

## “Кооперация афзаллиги одамлар ишончини уйғотяпти”

Ерни шудгорлаш, уруғлик билан таъминлаш, маҳсулотни сотиш жараёни “етакчи тадбиркор” зиммасида.

3-с.

## Ишлайман, деганга имконият яна биттага кўпайди

Универсал спорт майдони куриб берилса, ёшларнинг спорт билан шуғулланиш имконияти ортади.

4-с.

## “Маҳаллалар саҳнаси менга куч ва илҳом бахш этяпти”

Эрта-лаб ишга ошиқиб, ўзгача иштиёқ билан келаман. Шунчалик берилиб кетганимдан вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоламан.

8-с.

# Маҳалла

№28 (2166) | 2024 йил 25 май, шанба

WWW.UZMAHALLA.UZ

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

## БУГУНГИ СОНДА:

### Солиқдан қарздорлар билан ишлаш оғир кечяпти

Фаолиятим давомида ўзига хос муаммо ва қийинчиликларга дуч келяман. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғидан қарздор фуқаролар билан ишлаш оғир кечяпти. Яна бир масала, норасмий “тадбиркор”лар фаолиятини тартибга солиш зарур. Бу борада, энг аввало, аҳолининг солиқ соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим.

5-с.

### Тартибсиз ҳаракат тартибга солиниши зарур

Йиғин худудидан ўтувчи М-41 автомобиль йўлининг пиёдалар ҳаракатлини қисмига вақтли светофор ва тезликни аниқлаш учун радар ўрнатиш зарур. Шунингдек, худудда такси ҳайдовчиларнинг тартибсиз ҳаракатини тартибга солиш учун махсус автомобиллар турар жойи ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

6-с.

### Қалбига йўл топсангиз, ҳеч ким ёлғиз қолмайди

Одамларни қийнаган муаммога ҳеч қачон эшик ташқарисида туриб ечим топиб бўлмайди. Уларнинг қалбига йўл топиш учун керак бўлса, 5-6 марта хонадонига киришга тўғри келади. Шундагина сизни ўзига яқин олиб, ишонч билдира бошлайди. Баъзан йиллар давомида ҳеч кимга айтмай юрган сирларини очади.

7-с.

### Ҳеч қачон рад жавобини берманг, имкон қидиринг!

Агар талаб қилаётган нарсаси имконсиз бўлган тақдирда ҳам унга бошқа томондан кўмак бериши мумкинлиги айтилса, ўша одамнинг кўнгли ёришади. “Йўқ” деган бир оғиз сўзни айтишдан осони йўқ. Лекин зиммасига инсонларнинг оғирини енгил қилиш масъулиятини олган ҳар бир ходим бунга виждонан ёндашиши, муаммоларни ўзиникидек қабул қилиб ечим топиши зарур.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

Давоми 2-саҳифада.

## Маҳалла ишсизликдан холи, тажриба майдони бўлмоғи керак

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъулларидан иборат Республика ишчи гуруҳлари республикамизнинг қатор вилоятларида ўрганишлар олиб бормоқда

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи Сурхондарёда ўрганиш ишларини бошлади.

Вилоят ҳокимлигида масъул ташкилотлар вакиллари, туман ҳокими ўринбосарлари, Уюшманинг вилоят бошқармаси мутасаддилари ва туман бўлимлари вакиллари иштирокида учрашув ўтказилди. Унда маҳалла тизимидаги муаммолар таҳлил қилиниб, аҳолидан келиб

тушаётган мурожаатларни биргаликда ҳал этиш, ишни ҳамкорликда ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга меҳнат фаолияти учун шарт-шароит яратиш, ходимлар малакаси ва масъулиятини ошириб бориш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давоми 2-саҳифада.



ИШЧИ ГУРУҲ

## ЯНГИ ЖАМҒАРМА МАҲАЛЛАГА КЎМАК, ФАОЛИЯТГА РАҒБАТ БЕРАДИ



МОҲИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 18 майдаги “Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, унинг тузилмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, “маҳаллабай” ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини самарали ташкил этиш, ходимларни моддий рағбатлантиришга қаратилган чоралар белгилаб берилди.

Давоми 2-саҳифада.

## Маънавий етуклик ташаббускорликка етаклайди

### УЮШМА КУНДАЛИГИ

“Май – маънавий-маърифий тадбирлар ойлиги” доирасида Тахтақўпир туманидаги чекка худудда жойлашган “Кўнғиротқўл” маҳалласида ҳокимлик масъуллари, маҳалла фаоллари, жумладан, кўчабоши аёллар, ёш қиз-келиндяклар иштирокида “Маҳалла – тинчлик ва ободлик асоси, ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия ўчоғи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Унда фарзандлар тарбияси, қизларнинг таълим олиши, оилаларни мустаҳкамлаш, ажралишларнинг олдини олиш мавзулари муҳокама қилинди.



Аёл-қизларимизнинг хуснига янада чирой улашувчи миллий либосларимиз бор. Андижон шаҳридаги кўхна боғи Бобур дам олиш масканида ойлик доирасида ташкил этилган “Миллий қадриятлар сайли”да бу жиҳат яққол кўзга ташланди. Унда талабалар, ёшлар, вилоятдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Миллий либослар чикишлари, турли анъаналар, урф-одатлар намойиши нафақат ёшларни, балки бу ерга ташриф буюрган хорижий меҳмонларни ҳам ҳайратда қолдирди.

Давоми 2-саҳифада.

ЖАРАЁН

## “Еттилик” ечмаган қандай муаммолар бор?



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Уюшманинг Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари, туман-шаҳар бўлимлари раҳбарлари билан учрашди. Унда аҳоли муаммоларини ҳал этиш, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигини таъминлаш, ёшлар билан ишлаш, бандликни таъминлаш, миграция, электрон тизимга ўтиш каби долзарб масалалар юзасида олиб борилаётган ишлар танқидий таҳлил қилинди.

Маълумот ўрнида: Тошкент вилоятида 677 минг 966 та хонадон, 1 025 та маҳалла мавжуд.

Давоми 2-саҳифада.

## Уюшма ва кўмита меморандум имзолади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ўртасида меморандум имзоланди.

Ҳамкорликнинг мақсади – Президентнинг тегишли фармон ва қарориди белгилаган вазифаларни амалга ошириш, “маҳалла еттилиги”да солиқ ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлашдан иборат. Эндиликда ҳамкорликда норасмий тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш, ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали солиқ базасини кенгайтириш масалалари диққат марказда бўлади.

Қолаверса, “Маҳалла бюджети” тизимини кенг жорий этиш, худудларда мол-мулк ва ер солиғининг 10 фоизини бевосита маҳаллаларнинг ўзиди қолдириш, бу орқали йиғинларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш чоралари кўрилади.





Шавкат Мирзиёев  
Эрон Ислом Республикаси  
элчихонасига ташриф  
бўриб, Эрон халқига  
ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК  
билдирди.



Давлатимиз раҳбари  
хорижий инвестицияларни  
жалб қилишда  
банкларнинг иштирокига  
оид ТАҚДИМОТ  
БИЛАН ТАНИШДИ.



Президент  
қарорига кўра,  
ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ  
саноати кластерлари  
ташkil қилинади.

МАҲАЛЛА “ДРАЙВЕР”И

# “Кооперация афзаллиги одамлар ишончини уйғотяпти”

Кооперацияга аъзо бўлмасидан аввал Қодир Жўраев хонадонидagi 10 сотих томорқанинг тенг ярмидан самарасиз фойдаланарди. Бугун тўлиқ имкониятни ишга солиши натижасида келини ва қизи ўзини ўзи банд қилган

Уйғун ХАЙИТОВ,  
Қарши туманидаги  
“Талликурон” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Маҳалланинг “ўсиш нуқтаси” — кўчатчилик ва сабзавотчилик. Ихтисослашувдан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган “етакчи тадбиркор”ларга имтиёзли кредит ажратиш, уларга бу соҳада мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни бириктириш ижобий самара беряпти.

Йўналиш бўйича 2022 йилда бошлаган хайрли ташаббус бугун тўлиқ ўзини оқлади. Айнан шу йилда “Талликурон кўрки” кўчатчилик кооперациясига асос солинган. Дастлабки йилда кооперацияга ишсиз ва эҳтиёжманд 35 та оила бириктирилиб, улар билан меҳнат шартномаси тузилиб, бу хонадонлар даромадини ошириш мақсадида кўчат уруғи тарқатилган. “Етакчи тадбиркор” Норбек Пардаев саяҳатлари билан ташаббус кенг оммалашди. Дастлабки йилиёқ, ҳар бир оила ойига ўртача 4 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача қўшимча даромад топиш имкониятига эга бўлди.

Кооперациянинг бир қатор афзаллиги бор. Ерни шудгорлашдан тортиб, уруғлик билан таъминлаш, маҳсулотни сотиш жараёни “етакчи тадбиркор” зиммасида. Бу эса одамларни кооперацияга ишончини ошириб, бошқа хонадон эгаларида унга қўшилиш истагини уйғотди. Ҳозирги кунга келиб, 480 дан ортиқ хонадон кўчатчилик кооперациясига аъзо. Ҳар бирида 2 нафардан аҳоли бандлиги таъминланган. Даромад ойига 5-7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бугун маҳаллада 900 нафардан ортиқ ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди.

Кооперацияга аъзо бўлмасидан аввал Қодир Жўраев хонадонидagi 10 сотих томорқанинг тенг ярмидан самарасиз фойдаланарди. Бугун тўлиқ имкониятни ишга солиши натижасида келини ва қизи ўзини ўзи банд қилган. Уртача 6-7 миллион сўм даромад топмоқда. Яна бир маҳалладошимиз Аъзам Рўзиев 15 сотих томорқада кўчат етиштирмоқда. Даромад ойига 7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Турмуш ўртоғи доимий иш ўрнига эга.

Маҳаллада полизчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган “Уйчи чорбоғ” ишлаб чиқариш кооперацияси ҳам иш олиб боради. 80 дан зиёд деҳқон хўжалигини ўзида бириктирган. 50 гектарли ерда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида иш ташкил қилинган. Айтайлик, бир контурда қовун, иккинчисида помидор, учинчисида кўчат парваришланади. Кооперация орқали 100 та иш ўрни яратилиб, 200 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган. Умумий ҳисобда кооперация орқали маҳаллада 1000 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ҳудудда 150 ўринли “Зироатхоним орзуси” нодавлат мактабгача таълим ташкилотига 750 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши натижасида 20 нафар хотин-қизнинг доимий бандлиги таъминланди. 12 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилиниб, 42 та янги ўрни яратилди.

Юқорида гувоҳ бўлганингиздек, ўсиш нуқтамиз келажакки сувга боғлиқ. Аммо Талликурон-2 кўчамиздаги 243 та хонадонда оқова сув муаммо. Агар 500 метр сув йўли қуриلسа, шу хонадонларга барака қиради. Муаммо юзасидан туман ҳокимлигига таклиф берганмиз. Масъуллар йил охиригача масала ижобий ҳал бўлишини ваъда қилишган.

Умуман, ҳокимлик билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Тегишли мутахассислар гуруҳи иш жараёни билан танишиб боради. Бироқ, муаммолар бўйича таклифларни кўриб чиқишдаги вазиятни янада яхшилаш учун онлайн платформага ҳоким ёрдамчилари билдирган таклиф ва муаммолар бўлимини кўриш керак. Шунингдек, тумандаги мутасадди ташкилотлар ҳам мазкур платформага уланса, ортиқча овозгарчиликларнинг олди олинади.

Кооперациянинг бир қатор афзаллиги бор. Ерни шудгорлашдан тортиб, уруғлик билан таъминлаш, маҳсулотни сотиш жараёни “етакчи тадбиркор” зиммасида. Бу эса одамларни кооперацияга ишончини ошириб, бошқа хонадон эгаларида унга қўшилиш истагини уйғотди. Ҳозирги кунга келиб, 480 дан ортиқ хонадон кўчатчилик кооперациясига аъзо. Ҳар бирида 2 нафардан аҳоли бандлиги таъминланган. Даромад ойига 5-7 миллион сўмни ташкил этмоқда. Бугун маҳаллада 900 нафардан ортиқ ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди.



Маҳаллада полизчилик ва кўчатчиликка ихтисослашган “Уйчи чорбоғ” ишлаб чиқариш кооперацияси ҳам иш олиб боради. 80 дан зиёд деҳқон хўжалигини ўзида бириктирган. 50 гектарли ерда “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида иш ташкил қилинган. Айтайлик, бир контурда қовун, иккинчисида помидор, учинчисида кўчат парваришланади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Кимлар ўзини ўзи банд қила олади?

Батирбек МАМБЕТНАЗАРОВ,  
Кегейли туманидаги “Нурли бўстон” маҳалласи:

— Маҳаллада ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан ишсиз фуқароларни ўзини ўзи банд қилиш орқали даромадли ишга йўналтириш самарали восита ҳисобланади. Кимлар ўзини ўзи банд қила олади ва бунинг ҳуқуқий тартиби қандай?

Сирожиiddин РАСУЛОВ,  
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Барча фуқаролар ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин. Бунинг учун талабдорлар махсус мобил илова ёки солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ёхуд давлат солиқ хизмати органига келган ҳолда рўйхатдан ўтади. Суровнома ўзини ўзи банд қилган шахс махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали электрон шаклда мустақил равишда, давлат солиқ хизмати органига келганда солиқ органи ходими тўлдирлади.

Суровномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, рўйхатдан ўтказилган рақамли имзо орқали амалга оширилган ҳолатлар бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилиши давлат томонидан тартибга солишни содда-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига илова билан тасдиқланган ўзини ўзи банд қилдиган шахслар учун фаолият (ишлаш, хизматлар) турлари;

ўзини ўзи банд қилиш тартибида меҳнат фаолиятини юритишнинг мўлжалланаётган манзили; ўзини ўзи банд қилган шахснинг мобил телефон рақами ва у билан боғланиш мумкин бўлган бошқа маълумотлар.

Суровномада ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, паспорт (ID-карта) серияси ва рақами, яшаш манзили тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар базаларида мавжуд маълумотлар асосида автоматик тарзда шакллантирилади.

ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнат фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд бўйича давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйилади.

Унга махсус мобил илова ёки шахсий кабинет орқали ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида матрицали штрих кодга (QR-код) эга бўлган маълумотнома юборилади.

ўзини ўзи банд қилган шахсларни давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказишда ҳақ ундирилмайди.

ўзини ўзи банд қилган шахслар меҳнат стажини ҳисоблаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ижтимоий солиқ тўлади.



## Пиёз қандай етиштирилади?

Ёмғирлар ва доимий сугоришда ортиқча намлик шпёз бошларида чириниш келтириб чиқариши мумкин. Натижада ҳосил кам бўлади, бир қисми ерда шпёздаёқ чириб кетади, қолгани яхши сақланмайди.

### ТОМОРҚА МАКТАБИ



Нўшпиёз (бошпиёз) етиштиришнинг ўзи хос агротехник қоидалари бор.

Жаҳонгир РАХМОНОВ,  
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ахборот хизмати раҳбари.

Ушбу қоидаларга кўра, нўшпиёз учун етиштириладиган пиёз япроқларини юлиш тавсия этилмайди. Нима учун нўшпиёз сифатида етиштирилаётган пиёзнинг япроғини юлиш мумкин эмас?

Энг асосий сабаби шуки, япроқларини юлгандан кейин йирик ва қаттиқ (яъни сифатли) пиёз ололмаслик ҳавфи бор. Гап шундаки, ҳар бир япроқ — бу пиёз бошини ҳосил қилувчи қатлам. Яъни, япроғини олиш билан пиёзнинг бир пўстлогини озикланишдан маҳрум қилаётган бўласиз. Натижада ё бу қатлам (пўстлок) умуман ҳосил бўлмайди ёки қуриб қолади. Бу эса пиёз ҳосилининг майда бўлишига олиб келади.

Пиёз янги япроқларни чиқариш (ўстириш) учун куч сарф этади. Бу эса пиёз бошларининг майда бўлиб қолишига олиб келувчи яна бир сабаб.

Агар сиз япроқларини юлсангиз, ҳосил бўлган очик жойдан (юлинган япроқ ўрнидаги тешикдан) пиёз бошига жуда кўп намлик қира бошлайди. Ёмғирлар ва доимий сугоришда ортиқча намлик пиёз бошларида чиришни келтириб чиқариши мумкин. Натижада ҳосил кам бўлади, бир қисми ерда шпёздаёқ чириб кетади, қолгани яхши сақланмайди. Бутун қолган пиёзбошлар майда ва юмшоқ бўлади. Агар пиёзни кичикроқ жойга экиб, аввал япроқларини истеъмол қилиб, кейин нўшпиёз олиш зарурати бўлса, тузукроқ ҳосил олиш учун қайси япроқларни юлиш зарарсизроқ эканлигини билишингиз керак. Авваламбор, бу шароитда ён барглارни олиб, марказий япроқларни қолдирган маъқул.

Пиёз фаол ўсиш давридан ўтгандан кейин япроқларини юлиш катта зиён бермайди, бироқ фаол ўсиш даврида япроқларига тегмаслик керак.

### БИЛАСИЗМИ?

## СОХТА ҚАЛҚОНДОРЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Сохта қалқондорлар данакли мева дарахтларининг кўпчилиги, айниқса, олхўри, тоғолча, гилос, шафтоли дарахтларини кучли шикастлайди.

Май ва июнь ойларида дарахтларни шира босиб кетади. Ўзбекистонда, асосан, уч хил қалқондорлар учрайди: акация, думалоқ, турон ва белбоғли сохта қалқондор. Урғочи сохта қалқондор ва уларнинг личинкалари новда, шох ва барг ширасини сўриб озикланади. Натижада новда ва шохлар қуриб қолади. Сохта қалқондорлар танасида ҳақиқий қалқон бўлмайди ва мана шу хусусиятига кўра, бошқалардан фарқ қилади.

Сохта қалқондор 1-2 авлод беради. Иккинчи ёшдаги личинкалар дарахт танасида ва шохларида қишлайди. Баҳорда, март ойида личинкалари ингичка шохларга маҳкам ёпишиб олади ва ривожланиш даврининг охирига қадар шу ерда қолади. Урғочи қалқондор жуда серпушт бўлиб, ҳар бири 1 200-2 000 та тухум қўяди.

Қалқондорлар учун эрта баҳордаги барча кураш тадбирлари ўтказилади. Бу жараёнда зарарланган дарахтларни озиклантириш ва сўғориш ишларида кўпроқ эътибор берилади. Дарахтлар гулдан чиққандан кейин дарҳол фосфорорганик ёки перитроид дорилар билан ишлов бериш яхши натижа келтиради.



**Онкологик ва гематологик касалликларга чалинган болаларни соғломлаштиришга КЎМАКЛАШИШ ЖАМФАРМАСИ ташкил этилди.**



**1 июндан давлат мактабгача таълим ташкилотларида БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ учун ота-оналар тўлови миқдори оширилади.**



**Тошкент шаҳрида аҳоли учун бепул ДАВЛАТ ТИББИЙ СУЎФУРТА механизмлари жорий этилади.**

**БИЛАСИЗМИ?**

## ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ОЙЛИК МАОШИ ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНГАН?

МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИСИНИНГ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ МИҚДОРИ МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАҚВИМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУҒРИСИДАГИ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИГА АСОСАН, ТАРТИБГА СОЛИНАДИ. ҚАРОРДА ОЙЛИК МАОШ ЕТАКЧИ БИРИКТИРИЛГАН МАҲАЛЛАДАГИ ХОНАДОНЛАР СОНИГА МУТАОСИЙ РАВИШДА БЕЛГИЛАНИШИ ҚАЙД ЭТИЛГАН.

**Шахзод ҚАЙУМОВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси.

Хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари миқдориди;  
хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5 баравари миқдориди;  
хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари миқдориди берилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Ёшлар ишлари агентлиги уларнинг фаолият самардорлиги кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ҳар чорак якуни бўйича ойлик иш ҳақининг 50 фоизгача миқдорда мукофотлади. Бошқа ҳудуддан келиб, фаолият олиб бораётган етакчи учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваригача бўлган миқдорда турар жой ижара тўлови қоплаб берилди. Йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижага эришган етакчиларга ипотека кредити асосида сотиб олинган уй-жой қийматининг 50 фоизи миқдориди, бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор тамойиллари асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мувофиқ белгиланадиган уй-жой ҳисобланган қийматининг 50 фоиздан юқори бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Ёшлар етакчиси лавозимига ишга қабул қилинган шахсларнинг ҳарбий ва махсус унвонлари сақлаб қолинади. Иш стажини навбатдаги ҳарбий ва махсус унвонлар олишда ҳисобга олинади, уларга олдинги иш жойига қайтганда қонунчиликда белгиланган барча имтиёзлар таъбиқ этилади.

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кадрларнинг амалдаги захирасини шакллантириш вақолатига эга бўлган вазирилик ва идоралар етакчи лавозимига ишга қабул қилинган ходимларини кадрларнинг амалдаги захирасига кириштириб, сафарбар қилади.

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

## ХУНАРМАНД ЁШЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

**Одилбек ОЛИМНАЗАРОВ,**  
Анджон туманидаги “Тумбаз” маҳалласи.

— Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, «уста-шоғирд» аъёнлари асосида маҳаллаларда ёшларга хунар ўргатиш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш ҳамда хунармандчиликни ривожлантириш мақсадида қандай имтиёз яратилган?



**Аброр ҲИДОЯТОВ,**  
Ёшлар ишлари агентлиги бўлими бош мутахассиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромади манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Қарорга асосан, 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун “Хунарманд” уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, “уста-шоғирд” мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун — 3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга имтиёзли кредит ажратилиши назарда тутилган.

2022 йилдан бошлаб, Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси ҳисобидан “уста-шоғирд” аъёнлари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга — шоғирдлар тайёрлаши, зарур хом ашё сотиб олиши ва шоғирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда, шоғирдларга — мустакил фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши, шунингдек, усталарга — интернет сайтларини ташкил этиш, ўз махсусотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг ийгирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига субсидиялар ажратиш белгиланган.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ ТАВСИЯСИ БИЛАН



## Ишлайман, деганга имконият яна биттага кўпайди

**Лойиҳа доирасида маҳалламиздаги 12 нафар ёшга 10 сотихдан ер ажратилди. Ер олганларнинг барчаси эҳтиёжманд ва миграциядан қайтганлар бўлиб, ҳам ишли, ҳам даромадли бўлди.**

**Фаррух БОБОЖОНОВ,**  
Ғиждуvon туманидаги “Қассобон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Президентнинг “Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бандликни таъминлаш, ёшлар турмуш фаровонлигини оширишда янги имконият эшикларини очди. Эндиликда йигит-қизларга “E-auction” электрон савдо платформаси орқали деҳқончилик қилиш учун ижарага ер ажратилмоқда.

Лойиҳа доирасида маҳалламиздаги 12 нафар ёшга 10 сотихдан ер ажратилди. Ер олганларнинг барчаси эҳтиёжманд ва миграциядан қайтганлар бўлиб, ҳам ишли, ҳам даромадли бўлди.

Улардан бири ҳар йили оиласи бағридан

*Маҳалла ёшлари билан ўтказган хатловда уларнинг қизиқиши, муаммоси ўрганилди.*

олиса, хорижда меҳнат қилувчи Нодирбек Ибодиллаев. Бу йилги иш қидириб, ёшлар етакчисига мурожаат қилганди. Президент қарорига кўра, унга 10 сотих ер майдони тақсимланди. Бундан кўра қизилдан ўрадан жуда мамнун. Ўзига бириктирилган ерга сабзавотлар экиб, юқори даромадни кўзламоқда. Бир қисмига 100 кг картошка экиб, 500 кг дан ортиқ ҳосил олиш ниятида. Келажакда фаолиятини янада кенгайтириб, иссиқхона қуришни режалаштиряпти. Боқувчисини йўқотган Шахзод Исомов ҳам юқоридаги қарор асосида мусофирликдаги

машаққатдан халос бўлди. 10 сотих ерга ловия, картошка, полиз экинлари экди. Биринчи экин — помидор ҳосилга кирди. Маҳаллада ер олган барча ёшлар биринчи экиндан 5-6 миллион сўм даромад кутмоқда.

Маҳалла ёшлари билан ўтказган хатловда уларнинг қизиқиши, муаммоси ўрганилди. Унга кўра, бир неча таклифлар ишлаб чиқдик. Биринчиси, маҳалладаги бўш ер майдонига универсал спорт майдони қуриб берилса, ёшларни спорт билан шуғулланиш имконияти ортади. Чунки ҳудудда фақат сўний қопламали футбол майдони бор, холос.

Иккинчи таклиф — ҳудудда янги иш ўринлари яратиш учун тикув корхонаси очилсин. Бу йўналишда тадбиркор ҳам тайёр бўлиб, ёшлар вакили Улуғбек Атоев имтиёзли кредит асосида фаолиятини бошлашни билдирган. Агар шу лойиҳа амалга ошса, ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

МИГРАЦИЯДАН ҚАЙТГАН ЁШЛАР



Олий ўқув юртига кирмоқчи бўлган ёшлар учун тавсиянома беришни таклиф этардим. Ҳозир бу тавсияномани маҳаллада хотин-қизлар фаоли фақат аёлларга беради, холос.

## Хориждаги 50 нафар навқирон маҳаллага қандай қайтди?

Маҳалламизда 1 945 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 845 нафари ёшлар. Шу даврга қадар, “Ёшлар дастури” ва “Ёшлар дастури”нинг амалга оширилиши натижасида 46 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. 16 нафар имкониятни чеклашган ва тиббий ёрдамга муҳтож ёш доимий назоратта олинди.

Хорижда меҳнат қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш йўналишида алоҳида чора-тадбир ишлаб чиққанмиш. Шу мақсадда ҳар ойда камида бир маротаба

улар билан мулоқот қилиш орқали аҳолини ўрганиб, Ватанга қайтариш учун зарур чора кўриб бораёмиш. Аксарият тенгдошларимиз оила бағрида ишли бўлмоқда. 2022 йилда 66 нафар ёш ташқи миграцияга чиқиб кетган бўлса, ўтган вақт давомида уларнинг 50 нафарини мамлакатимизга қайтариш, иш билан таъминлашга муваффақ бўлдик.

Бу натижага эришишда “Сайхун-обод тажрибаси” асосида уларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатилмоқда. Томорқадан самарали фойдаланиши ва бошқа тадбиркорлик

фаолиятини бошлаши учун “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурига мувофиқ, имтиёзли кредит ажратилмоқда. Бундан ташқари, хориждаги ёшлар билан доимий алоқа ўрнатиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида ёпиқ гуруҳ ташкил этганмиш. Бу орқали миграциядаги вакилларимиз билан индивидуал ишлаш имконига эга бўлдик. Узро суҳбатда улар юртимизда яратилган имконият ва имтиёзлар билан таништириб бориляпти. Агар ватанга қайтишса, хориждагидан кам даромад топмасликлариға ишонтиряп-

**Фотима ДЕҲҚОНОВА,**  
Пайърик туманидаги “Тошқову” маҳалласи ёшлар етакчиси.



ШХТнинг  
“ЯШИЛ БЕЛБОҒ”  
дастурини амалга  
ошириш бўйича  
кўшма ҳаракатлар  
режаси тасдиқланди.



Жорий йилда  
5 та шаҳар,  
48 та шаҳарчининг  
ШАҲАРСОЗЛИК  
ҲУҶЖАТЛАРИ  
ишлаб чиқилади.



Статистика агентлиги  
маълумотига кўра,  
Ўзбекистондаги  
музейларга 2023 йил  
давомида 5,7 МИЛЛИОН  
КИШИ ташриф буюрган.

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ

## Имтиёз бекор қилинди, бироқ...

**2024 йил 1 апрелдан бошлаб дори воситаларини, ветеринария дори воситаларини, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни реализация қилиш бўйича айланмага қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича имтиёз бекор қилинди.**

Исматулло СЕВИНЧОВ,  
Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Бироқ ушбу масалада тадбиркорларда турли саволлар туғилмоқда. Шу боис дори воситалари ҳамда тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмларни ҚҚС билан реализация қилиш бўйича келаётган саволларга батафсил тушунтириш бериб ўтамиз. Аввало, шунинг айтиш керакки, агар корхонанинг 2024 йил 1 апрель ҳолатига дори воситалари, ветеринария дори воситалари

ҳамда тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар бўйича қолдиқ товарлари мавжуд бўлса, ушбу товарлар реализация қилинганда ҳисобварақ-фактуралар ҚҚС билан расмийлаштирилади.

**САВОЛ:**  
– 2024 йил 1 апрель ҳолатига корхона ҳисобида бўлган дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар имтиёзсиз (ҚҚС билан) қирим қилинган бўлса, мазкур товарлар қолдиғи бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш мумкинми?

**ЖАВОБ:**  
– ҚҚС имтиёзи бекор қилинган тақдирда, солиқ тўловчи солиқ органида ҚҚС тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтган санада ўз балансида мавжуд бўлган товар-моддий қолдиқларнинг сўнгги 12 ой ичида қирим қилинганлари бўйича ва узоқ муддатли активларнинг баланс қийматида ҚҚС суммасини ҳисобга олиш

ҳуқуқига эга.

**САВОЛ:**  
– Дори воситалари ва тиббий буюмларни улгуржи ва чакана сотишда чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланган. Бунда 12 фоиз ҚҚС суммаси ҳам устаманинг таркибига бўладими?

**ЖАВОБ:**  
– Четдан олиб келинадиган ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари воситачилар сонидан қатъи назар улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда устама белгиланди. Чакана савдода эса улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилади.

Ижтимоий дорихоналар томонидан иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, харид



қилиш нархи ёки улгуржи нархнинг 10 фоиздан ортиқ бўлмаган чекланган савдо устамаси қўлланилган ҳолда чакана сотилади. Бунда товар таннархига дастлаб улгуржи савдода ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) ҚҚСиз нархига 15 фоиз, чакана савдода улгуржи нархига 20 фоиз миқдорда устама қўйилади ва 12 фоиз миқдорда ҚҚС ҳисоблаб, реализация қилинади.

**САВОЛ:**  
– Дорихоналар 2024 йил 1 апрель ҳолатида мавжуд бўлган қолдиқ товарларини ҚҚСиз сотса бўладими?

**ЖАВОБ:**  
– Йўқ. 2024 йил 1 апрелдан дорихоналарга сотилган дорилар учун қўлланиладиган ҚҚС бўйича имтиёз бекор бўлганига сабабли, 2024 йил 1 апрель ҳолатида қолдиқдаги барча товарлар ҚҚС билан сотилиши шарт.



СОЛИҚЧИ – ҚЎМАҚЧИ

211 нафар фуқаро билан олиб борилган тушунтиришлар натижасида улар ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисида гувоҳнома олиб, фаолиятини расмийлаштирди.

## Солиқдан қарздорлар билан ишлаш оғир кечяпти

Бугун “маҳалла еттичилиги”нинг “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали аҳолининг асосий муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда.



**В**азифаларимиз аниқ белгиланган бўлиб, ҳар кун маҳаллада бўляпмиз. Бунинг натижасида тадбиркорлар сафи ошиб, солиқ базаси кенгаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган уч ойида (февраль-март-апрель) ўзимга бириктирилган маҳаллада 5 та ҳолатда фуқароларнинг яширин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини аниқладим. Улар солиқ соҳасида етарли маълумотга эга бўлмагани учун ноқонуний фаолиятнинг оқибатларини билмайдилар. Шу боис ҳар бири билан юзма-юз суҳбатлашиб, қонуний ишлашнинг афзалликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тушунтиришимдан кейин 2 нафар фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини қонунийлаштирди.



4 нафар тадбиркор норасмий ишлашиб келаётган 12 нафар ишчисини легаллаштирди.

Фаолиятини тўхтатиб, яширин даромад топаётган 12 та тадбиркор фаолиятини қайта тиклади. Айни пайтда ҳудудимизда 23 та АОС (айланмадан олинган солиқ) тўловчи юридик шахс, 617 та мол-мулк ҳамда 630 та ер солиқ тўловчи жисмоний шахс ва 34 та ЯТТ (якка тартибдаги тадбиркор) мавжуд. Худди шундай, ўтган уч ой давомида ўз уйида норасмий даромад топаётган 211 нафар фуқаро билан олиб борилган тушунтиришлар натижасида улар ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисида гувоҳнома олиб, фаолиятини расмийлаштирди.

Бунинг натижасида бюджетга қўшимча 71,7 миллион сўм келиб тушиши таъминланди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 4 нафар тадбиркор норасмий ишлашиб келаётган 12 нафар ишчисини легаллаштирди. Аслида ушбу тадбиркорлар ишчи-хондилар учун тўланган даромад солиғини қайтариб олиш ҳуқуқи борлигидан, яъни ушбу йўналишда берилган солиқ енгилликларидан хабардор бўлмагани боис, уларни норасмий ишлашиб келган. Рақамларга кўра, апрель ойи якунида иш режамни 203,3 миллион сўмга

ёки 115,4 фоизга бажардим. Самардорлик кўрсаткичим 95,8 баллни ташкил қилди. Қувонарлиси, иш самардорлигим юқори бўлгани учун шу ойларида ойлигимдан ташқари, лавозим маошига қўшимча мукофот пули берилди.

Албатта, бунга осонлик билан эришаётганим йўқ. Фаолиятим давомида ўзига хос муаммо ва қийинчиликларга дуч келяпман. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғидан қарздор фуқаролар билан ишлаш оғир кечяпти. Яна бир масала, норасмий тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиш зарур. Бу борада, энг аввало, аҳолининг солиқ соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим. Шу боис аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Фуқароларга норасмий тадбиркорлик фаолиятларини қонунийлаштириш кўплаб ижобий ўзгаришларга, хусусан, маҳалланинг солиқ базасини кенгайтириш орқали ҳудуддаги муаммоларни тезкорлик билан ечиш имкониятларини ошириши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

**Зилола ШЕРМАТОВА,**  
Ўрта Чирчиқ туманидаги  
“Дўстлик” маҳалласи солиқ инспектори.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## Бошланғич тўлов учун солиқ имтиёзи борми?

**Барно ҚОСИМОВА,**  
Андижон вилояти.

– Мен “Ёшлар имтиёғи”дан имтиёзли кредит асосида уй-жой олганман. Кредит олишда банкка тўланган бошланғич тўлов учун ҳам солиқ имтиёзи борми?

**Абдуқаҳҳор МАҲМУДОВ,**  
Солиқ қўмитаси бўлим бошлиғи:

– Агар ёш оилалар ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олган бўлса, уларнинг ушбу кредит ва унга ҳисобланган фоизларга йўналтирилган маблағларига даромад солиғи солинмайди.

2023 йил 1 январдан кредитни сўндиришга йўналтирилган сумма миқдори йилига Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХТЭКМ)нинг 80 баравари (84 млн. сўм)гача (2022 йилда 15 млн. сўм) этиб белгиланган. Аввал бундай имтиёз бюджетдан ажратилган субсидия асосида уй-жой сотиб олинганда қўлланилган. 2022 йил 1 январдан эса ёш оилалар учун ушбу талаб бекор қилинди.

Бунда солиқ имтиёзи эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёш(30 ёш)га тўлганига қадар қўлланилади. Ушбу солиқ имтиёзи бошланғич тўлов учун йўналтирилган даромадларга қўлланилмайди.



## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

**Дилдора ҲОШИМОВА,**  
Солиқ қўмитаси  
Ахборот хизмати раҳбари.

Маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларни хомашё ресурслари билан таъминлаш ва уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек туризмни ривожлантириш мақсадида Солиқ кодексининг 483-моддасига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, куйидаги вақтинчалик солиқ имтиёзлари тақдим этилмоқда:

– 2024 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача заргарлик буюмларини ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган қимматбаҳо тошларни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш ҚҚСдан озод қилинади;

Янги қонун билан Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

– 2026 йил 1 январгача касабга уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизда болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари даврда ташкил этилади-

ган дам олиш уйлари ва дам олиш зоналарининг мазкур йўналишдаги хизматларни кўрсатишдан олган фойдаси фойда солиғидан озод қилинади.



БИЛИБ ҚЎЙИҒИ!

## АОС ТўЛОВЧИЛАР ҚАЙСИ ҲИСОБОТЛАРНИ ТОПШИРМАЙДИ?

Солиқ тўловчилар ихтиёрий тартибда айланмадан олинган солиқ(АОС)ни қатъий белгиланган суммада тўлашни танлаши мумкин. Ушбу ставкалар йилига қўйиладиган миқдорларда белгиланди:

– жами даромади 500 млн. сўмдан ошмаган солиқ тўловчилар учун – йилига 25 млн. сўм;

– жами даромади 500 млн. сўмдан ошган солиқ тўловчилар учун – йилига 34 млн. сўм.

Қатъий белгиланган миқдорда АОС тўловчилар ушбу солиқ ва дивидендлар кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбуриятидан озод қилинади.

Айланмадан олинган солиқни қатъий белгиланган солиқ ставкаси бўйича тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари йиллик молиявий ҳисоботларини солиқ органларига топшириш мажбуриятидан озод этилади.



Ўзбекистон илк бор 3 та валютада – доллар, евро ва сўмда суверен ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАРНИ жойлаштирди.



Тошкент халқаро аэропортида автомобилларни ИЖАРАГА ОЛИШ НУҚТАСИ очилди.



Ўзбекистонлик талабалар суратга олган "МАНЗИЛСИЗ УЙ" фильми "48 соатлик кинопоёга" халқаро танловида ғолиб бўлди.

## Тартибсиз ҳаракат тартибга солиниши зарур



Аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари хавфсизлигини таъминлаш учун йиғин ҳудудидан ўтувчи М-41 автомобиль йўлининг пидедалар ҳаракатлини қисмига тезликни аниқлаш учун радар ўрнатиш зарур.

### ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Гоҳ шаҳар, гоҳ тоғли, гоҳ чўл ҳудудларидаги маҳаллаларда хизмат қиламиз.

Аҳоли гавжум нукталар, асосий кўчалар ва хусусий объектларга 80 та кузатув камералари қўйилди.

**Хусниддин КЕНЖАЕВ,** Сариосий туманидаги "Гулбод" маҳалласи профилактика инспектори.

Ун йилдан буён маҳаллалар осойишталиги йўлида хизмат қилиб келяман. Бизнинг фаолиятимизда аниқ бир жой белгиланмаган. Гоҳ шаҳар, гоҳ тоғли, гоҳ чўл ҳудудларидаги маҳаллаларда хизмат қиламиз. Бундан аввал икки йил тоғли ҳудуддаги "Хумуюн" маҳалласида фаолият юритдим. Туман маҳалласида "Гулбод" маҳалласида эса яқинда иш бошладим. Дастлаб беш мингдан ортиқ аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, маҳалла осойишталиги йўлида биргаликда ишлаш режаларини белгилаб олдим. Фуқароларга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича тавсиявий қў-

ланмалар тарқатилиб, аҳоли гавжум жойларга етказилди. Мактабларда ўқувчи ва уларнинг ота-оналари иштирокида учрашувлар ташкил этилиб, ёшларнинг таълим-тарбияси, дарс давомати каби масалалар муҳокама этилди. Уларга сабабсиз мунтазам дарс қолдиришнинг оқибатлари ҳақида маълумот берилди. Ана шундай тарғибот тадбирларимиз натижасида жорий йил ҳисобида маҳаллада бирорта жиноятчилик қайд этилмади. Фақат маҳалла ҳудудидан М-41 катта автомобиль йўли ўтгани учун бу ерда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчилари иштирокида йўл талашини ва бир-бирига ҳамақатли беришлари оқибатида турли келишмовчиликлар, жанжаллар бўлиб турмоқда. Бу масалада йўл-ҳаракати хавфсизлиги ҳамда патруль-пост ходимлари билан

ҳамкорликда ишлаяпмиз. Йиғин ҳудудидан аҳоли гавжум бўладиган Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, иккита умумтаълим мактаби, бозор ва савдо дўконлари жойлашган. Ана шундай аҳоли гавжум нукталар, асосий кўчалар ва хусусий объектларга 80 та кузатув камералари қўйилди. Уларнинг энг муҳимлари хизмат хонамга интеграция қилинган. Келгусида кузатув камералари сони янада кўпайтирилиб, маҳалла хавфсизлиги, фуқароларнинг эркин ҳаракатлини таъминлади. "Гулбод" маҳалла аҳолиснинг аксарияти деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишади. Бироқ чет элга ишлаш учун кетганлар кўп. Айни пайтда 205 нафар маҳалладошимиз Россия, АҚШ, Германия давлатларида ишлаяпти. Уларнинг яқинлари ва

ўзлари билан доимий мулоқот-дамиз. Яқинда яна бир бор улар қаерда, қандай ишлар билан машғул эканини билиш, яшаш шароитларидан хабардор бўлиш мақсадида онлайн видео-мулоқот ўтказдик. Мулоқотлардан маълум бўлдики, улар яхши ишлаб, рўзгорини обод қилмоқда. Яна бир масала шундаки, аҳоли, айниқса, мактаб ўқувчилари хавфсизлигини таъминлаш учун йиғин ҳудудидан ўтувчи М-41 автомобиль йўлининг пидедалар ҳаракатлини қисмига вақтли светофор ва тезликни аниқлаш учун радар ўрнатиш зарур. Шунингдек, ҳудудда такси ҳайдовчиларнинг тартибсиз ҳаракатини тартибга солиш учун махсус автомобиллар турар жойи ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

*Ана шундай тарғибот тадбирларимиз натижасида жорий йил ҳисобида маҳаллада бирорта жиноятчилик қайд этилмади.*

## Блогерлиги сохта, қолаверса, товламачи...

**Иньомжон НОРМАТОВ,** жиноят ишлари бўйича Кува туман судининг судьяси

Агар ҳаётда инсоннинг бўйни меҳнатга ёр бермаса, у бировнинг ҳақида кўз олайтира бошлайди. Яъни, осон пул топишга уринади. Оқибатда ўрилик, талончилик, фирибгарлик ёки товламачилик сингари оғир ва ўта оғир жиноятларга қўл уради. Риштонлик Улуғбек Маликов (исм-шарифлар ўзгаририлган) 30 ёшдан ошса ҳам уйланиб, оила қурмади. Боз устига бирор жойда ёлчишиб ишламади. Унинг фель-атворидаги қусурлари бизга номаълум. Аммо ҳалолу ҳаромнинг фарқи бормагани аниқ. Акс ҳолда товламачилик қилиб, юзи шувит бўлмас эди. Гап шундаки, Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ инспектори А.Алиев жойлашувга асосан Бувайда туманининг Алишер Навоий кўчасида хизмат олиб бораётган пайтда қарздорлиги ва ҳужжатларини текшириш учун Ш.Йўлдошев бошқарувидagi "Sprak" русумли автомобилни тўхтатади. Машина тўхтагач, у фуқародан ҳайдовчилик гувоҳномасини тақдим қилишни сўрайди. – Уэр, командир, "права" ва бошқа ҳужжатларим уйда қолиб кетибди, – дейди Ш.Йўлдошев транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномасини инспекторга узатиб. Қонун талабига асосан ҳолат бўйича маъмурий баённома расмийлаштириб, транспорт воситаси вақтинчалик жарима майдончасига қўйилиши керак. А.Алиев ҳайдовчига шуни тушунтиради. Бироқ Ш.Йўлдошев онаси касаллиги сабабли машина зарурлигини, жарима тўлашга имкони йўқлигини билдириб, инспекторга пора таклиф қилади. Яъни, у чўнтагидан бир

даста пул чиқариб, санай бошлайди. – Бу ишингиз жиноят эканлигини билмайсизми? Жаримани менга эмас, банкка тўлайсиз, – деб ҳодим хизмат автомашинаси томон кетади. Аслида бунақа вазиятда инспектор ҳайдовчининг ноқонуний таклифи юзасидан ИИБ бошлиғи номига билдирги билан мурожаат қилиши лозим эди. Лекин Ш.Йўлдошев онаси касаллигини айтгани боис унинг оилавий шароитини инобатга олиб, инспектор билдирги ёзмайди. Ана шу кўнгилчанлиги ўзига панд беради. Буни қарангки, ҳайдовчи Ш.Йўлдошев инспектор билан суҳбати ва узининг чўнтагидан пул чиқариб санаётганини гўёки ҳодим пора сўрагандек ҳолатда уяли телефон орқали видеотасвирга тушириб олган экан. Воқеанинг эртасига "қахрамон"имиз Улуғбек Маликов Бувайда туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи бошлиғи Д.Йўлдошевнинг хизмат хонасига кириб боради. – Ҳамкасбингиз менинг бир танишимдан пора олибди, – дейди меҳмон баландпарвоз оҳангда. – Бўлиши мумкин эмас, мен ишонмайман, – дея унинг сўзларини рад этади бошлиқ. – Мана, мен сизга ёлгон гапирардим, – деб уяли телефондан ўша видеотасвирни очиб кўрсатади У.Маликов.

Шундан сўнг Улуғбек асл мақсадга ўтади. – Ҳа, инспекторингиз ёш, тизимга яқинда ишга кирган ҳодим экан. Тагин куйиб қолмасин, деб сизнинг олдингизга келдим. У шундай дея видеотасвирларни ижтимоий тармоқларда тарқатмаслик ёки блогерлиги юрбормаслик ҳамда юқори турмуш идораларга шикоят қилмаслик эвазига А.Алиев 15 000 АҚШ долларини бериши лозимлигини таъкидлайди. Видеотасвирни бошлиқнинг телефонида телеграмм орқали жўнатиб, эртага яна келишини айтиб чиқиб кетади. Албатта, сохта блогер У.Маликовнинг товламачилигига нисбатан қонуний йўл тутилади. Аниқроғи, инспектор вилоят ИИБ бошлиғи номига билдирги киритади. Икки кундан сўнг мазкур ҳолат бўйича ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Улуғбек Маликов Бувайда тумани ИИБ ЙХХ гуруҳи биносида А.Алиевдан талаб қилинган 15 000 АҚШ долларидан 10 000 АҚШ долларини олаётган вақтида ушланади. Оқибатда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Афсуски, тилга олинган товламачилик У.Маликовнинг ягона жинояти эмас экан. Негаки, жиноят ишини тергов қилиш мобайнида унинг Олтиариқ туманидаги "Водий авто ўргатувчи" МЧЖ раҳбари Фуломжон Эрназаров, жияни Асалхон Қодирова ҳамда жиноят ишининг унга нисбатан қисми алоҳида иш юритувига ажратилган А.Раҳмонов билан бирга жиноят содир этгани аниқланади. Маълум бўлишича, улар аслида "Водий авто ўргатувчи" МЧЖ ҳайдовчилиги гувоҳномаси олиш учун ўқимаган А.Қодирова номига ҳужжатларини сохташтиради. Натижада Асалхон "Ҳайдовчининг шахсий имтиҳон варақаси" ва тегишли рақамдаги гувоҳномани Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ Риштон тумани 2-сонли

рўйхатга олиш ва имтиҳон олиш бўлимига тақдим этиб, "В" тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси олишга эришади. Шу аснода Ф.Эрназаровнинг муқаддам содир этган жинояти фош бўлади. Аниқлаштириш, Фуломжон раҳбарлигидаги Олтиариқ туманидаги "Шарофатхон интенсив боғи" фермер хўжалигига 2021 йил 25 майда туман ҳокимининг 496-сонли қарорига асосан, интенсив лимонариya ташкил қилиш учун 1 гектар ер майдони ажратиб берилди. Аммо хўжалик раҳбари ўзбошимчалик билан ўша ернинг 0,24 гектар қисмига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш лабораториясини қуриб олади. Натижада суғориладиган ернинг унумдор қатлами йўқолишига сабабчи бўлиб, давлат манфаатларига 120 миллион 54 минг сўм зарар етказди. Бундан ташқари, Фуломжон Эрназаров 2022 йил март ойида таниши Жаҳонгир Махситалиев ва дастлабки тергов давомида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан жиноий тил бириктириб, қурилган бино-иншоотларга кадастр ҳужжатларини қалбақлаштириб тайёрлайди... Жиноят ишлари бўйича Кува туман суди судланувчиларни Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топиб, У.Маликовни овозликдан маҳрум қилиш, Ф.Эрназаровни овозликни чеклаш, А.Қодирова ва Ж.Махситалиевни ахлоқ тузатиш иши жазосига маҳкум этиди. Шунингдек, суд ҳукмида Фуломжон Эрназаровдан давлат фойдасига 120 миллион 54 минг сўм зарарини ундириш белгиланди.



СУД ҲУКМИ

Албатта, сохта блогер У.Маликовнинг товламачилигига нисбатан қонуний йўл тутилади. Аниқроғи, инспектор вилоят ИИБ бошлиғи номига билдирги киритади.



Ўзбекистонда  
СУЊБЇЙ ИНТЕЛЛЕКТГА  
АСОСЛАНГАН  
маълумотлар марказлари  
ташкил этилади.



Кувайт компанияси  
Сергели туманида  
замонавий  
ИНТЕНСИВ БОҒ  
барпо этиш лойиҳасини  
амалга оширади.



Испания  
авиакомпанияси  
“МАДРИД – ТОШКЕНТ  
– МАДРИД” йўналишида  
йўловчи рейсларини  
йўлга қўяди.



БИЛАСИЗМИ?

## Санитария-эпидемия тadbирлари бепул амалга оширилади

Ўзгалар парваришига муҳтож шахс номидан «Инсон» маркази киритган сўровномага асосан ўша шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тadbирларини туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлиmlари бепул амалга оширади.

Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тadbирларини ўтказиш зарурати куйидагича аниқланади:

- ✓ маҳалладаги ижтимоий ходимнинг уйма-уй юриш орқали ҳар бир хонадон (оила) аҳволини ўрганиши натижасида;
- ✓ ижтимоий ходим ассистентларининг уйда ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиши натижасида.



Ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг индивидуал ижтимоий хизматлар режасига дезинфекция ва дезинсекция тadbирларини ўтказиш киритилган тақдирда ижтимоий ходим бир иш куни ичида туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлиmlига дезинфекция ва дезинсекция тadbирларини амалга ошириш тўғрисида сўровнома юборади.

Туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими сўровнома келиб тушгандан сўнг, 3 иш куни ичида ўзгалар парваришига муҳтож шахснинг яшаш жойида дезинфекция ва дезинсекция тadbирларини ўтказилади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

# Қалбига йўл тошсангиз, ҳеч ким ёлғиз қолмайди

**Алишер АЛЛАНАЗАРОВ,**  
Деҳқонobod туманидаги  
“Истиклол” ва “Нодира” маҳаллалари  
ижтимоий ходими.

Аҳоли билан ишлаш бўйича кўп йиллик тажрибага эгаман. Маҳалла ва ҳокимлик тизимида фаолият олиб борган давримда тулланган малака ҳозир менга жуда асқатапти.

Одамларни қийнаган муаммага ҳеч қачон эшик ташқарисида туриб ечим топиб бўлмайди. Уларнинг қалбига йўл топиш учун керак бўлса, 5-6 марталаб хонадонига киришга тўғри келади. Шундагина сизни ўзига яқин олиб, ишонч билдира бошлайди. Баъзан йиллар давомида ҳеч кимга айтмай юрган сирларини очади. Нима хохлаётганини аниқ-тиниқ баён этади. Бу сифатли ёрдам кўрсатишимизга замин бўлиши шубҳасиз.

Кузатувларимиз давомида айрим ёш келинлар туғма ногиронлиги бўлган фарзандининг нуқсонини ҳаммадан яшириб, беркитишга ҳаракат қилган ҳолатларга гувоҳ бўлдим. Бундай масалаларни очиклаш осон кечмайди. Оила аъзолари, қўни-қўшнилари билан суҳбатда бўламиз. Иқомияти чекланган инсонлар учун берилётган имтиёз ва қулайликлар борасида батафсил маълумот берамиз. Ўз ҳуқуқлари ҳақида эшитиб, билган фуқаролар кейин олдимизга ўзлари ёрдам сўраб келишади.

Айни вақтда иккита маҳалла ҳудудида 180 нафар фуқаро болалар нафақаси олади. 15 нафарига моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. 245 нафар фуқаро ногиронлик нафақаси билан таъминланади. 4 нафар киши ўзгалар парваришига муҳтожлар рўйхатига киритилган эди. Олиб борилган саъй-ҳаракатларимиз натижасида улар 2 нафарга қисқарди.

Бир оилада 73 ёшли отахон руҳий хаста кизи билан бирга яшаётганини аниқладик. Соғлиғидаги муаммолар сабаб икки марта жароҳлик амалиётини бошдан кечирган. Уларга бироз ёрдам бўлсин деб ижтимоий

ходим ассистенти бириктирилди. Лекин фарзандининг келажagini уйлаб сиқилаётган отахоннинг ҳавотири аримади. Шундан кейин қўшни туманга узатилган қизини оиласи билан уларнинг уйига кўчиб келишга кўндирдик. Уй-жой уларнинг номига хатлаб берилди. Опа синглисининг ҳолидан ҳамisha хабардор. Отасининг ош-овқатига қараяпти. Шу тарзда нурунийнинг қўшимча ёрдамга эҳтиёжи қолмади.

Худудимизда истиқомат қиладиган 63 ёшли онахон бир неча йилдан буён суяк емирилиши ташхиси билан ўрнидан туролмай ётиб қолган. Лекин ногиронлик гуруҳи берилмаган. Хўжжатларини махсус комис-

● **Жума кунлари нуруний ва кўпни кўрган кексалар ҳамда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий учрашувлар ўтказиб келинмоқда.**

сияга топширганимиздан кейин 1-гуруҳ ногиронлигини олди. 900 минг сўмга яқин нафақа тайинланди. Ногиронлик аравачаси олиш учун ариза топширилди. 33 ёшли ўғлини расман қаровчи қилиб бириктирдик. Энди унга меҳнат стажи ёзилапти. Гарчи дарини энгиллата олмаган бўлса-да, кўрсатилган эътибордан аёлининг руҳияти анча кўтарилди.

Шу тарзда 10 яқин оилаларга реабилитация техник воситалари берилди. Хўсустан, 3 та ногиронлик аравачаси, 3 та юриш мосламаси, 2 та қўлтиктаёк, 2 та заиф эшитувчилар учун эшитиш мосламаси, 1 та электрон арава имқонияти чекланган фуқароларнинг бироз бўлса-да имқониятларини кенгайтирмоқда.

Бундан ташқари, 10 нафар ногиронлиги бўлган аёлларни маҳалламиздаги касб-хўнарға ўқитиш марказида тикувчилик, қандолатчилик, компьютер мутахассиси йўналишларида таҳсил олишида амалий ёрдам кўрсатилди. Билим ва малакага эга бўлганларни хоҳиш-истагини қилиб чиқиб бандлиги таъминланяпти.

Маҳалламизда ҳафтанинг пайшанба кунлари параспортга қизиқувчиларни спорт мажмуаларига ташрифи уюштирилади. Соҳа мураббийлари кўмагида шахмат, шашка, футбол каби спорт турлари билан шуғулланишига тўлиқ имқонияти яратиб берилган. Иштиёқмандлар сони кўндан-кўнға ортиб бормоқда.

Жума кунлари нуруний ва кўпни кўрган кексалар ҳамда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Давра суҳбатларида кўпроқ, таълим-тарбия, миллий ўзлигимиз ҳамда бугун юртимизда имқонияти чекланган фуқароларга яратиб берилётган шароитлар ҳақида сўз боради.

Бир сўз билан айтганда, “маҳалла еттилиги” халқ билан ҳамнафас бўлишга, уларнинг қувончу ташвиши билан бирга яшашга ҳаракат қиляпмиз. Бу йўлда барча қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтишга тайёرمىз.



**Одамларни қийнаган муаммага ҳеч қачон эшик ташқарисида туриб ечим топиб бўлмайди. Уларнинг қалбига йўл топиш учун керак бўлса, 5-6 марталаб хонадонига киришга тўғри келади.**

КўМАК

## Узунлик аёлнинг узун дардлари ариди

**Азиз МАШРАБОВ,**  
журналист.

Ночор, ишсиз, жисмоний имқонияти чекланган, ёрдам ва хизматлар кўрсатилишига муҳтож аҳоли вакилларининг соғлиғини тиклаш, кайфиятини кўтариш, бандлигини таъминлаш ҳамда жамиятга мослашувида маҳалла таянч ва тирғак вазифасини ўташи керак.

Шу мақсадда худудларда яшаш шароити оғир ёки оғир ижтимоий вазиятга тушиш эҳтимоли юқори бўлган оилаларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда маҳалла ижтимоий ходимларининг 49 турдаги ёрдами кўрсатиб келинмоқда.

Айни пайтда Узун туманидаги “Чинор” маҳалласида 346 нафар ижтимоий ҳимоя-

га муҳтож фуқаро яшайди. Уларнинг 166 нафари кам таъминлангани учун нафақа олмақда. 177 нафари ногиронлиги бўлган шахслар, 3 нафари ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар рўйхатига олинган. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг 58 нафари меҳнатга лаёқатли бўлиб, уларнинг 23 нафари расмий иш билан банд. Норасмий меҳнат билан шуғулланаётган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳам расмий секторга жалб қилиш юзасидан тегишли чора-тadbир белгилаб олинган. Шунга кўра, туман ҳокимлиги ва “Инсон” маркази ҳамкорлигида худуддаги корхона ва ташкилотлар билан бирга икки нафардан ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаш мўлжалланмоқда.

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” аҳборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш ишлари самарали ташкил этилмоқда. Уйма-уй юриш чоғида уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш йўллари изланаётир. Масалан, “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва маҳалладаги ижтимоий ходим кўмагида “Чинор” маҳалласида яшайдиган Майрам Давлатованинг шароити атрофлича ўрганилиб, кейс менежмент усулини қўллаган ҳолда барча муаммолари босқичма-босқич ҳал этилди.

– Зиммамиздаги муҳим вазифалардан бири – оғир вазиятга тушган оилаларни аниқлаш ва уларга ёрдам беришдан иборат, – дейди “Чинор” маҳалласидаги ижтимоий

**ҳодим Дилшодбек МАМАРАЖАБОВ.** – Майрам опа хонадонида бўлганимизда худди шундай оилавий қийин вазиятда эканига гувоҳ бўлдик. Аёлнинг турмуш ўртоғи ўтган йили жигар циррози хасталиғидан вафот этган. Яқин инсонини йўқотгани боис у қаттиқ тушқунликка тушиб қолган. Бир нафар вояга етмаган фарзанди билан ақасининг уйда яшаётган экан. Оилани кейс-менежмент усули орқали баҳолаб, эҳтиёжлари аниқланди ва хизматлар режаси фуқаро билан бирга тузиб чиқилди. Унга кўра, Майрам Давлатова маҳалладаги 23-умумтаълим мактабига фаррош сифатида иш бошлади. Фарзанди мактабгача таълим муассасасига жойлаштирилди. Кам таъминланган оилаларга бериладиган болалар нафақаси тайинланди. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази директори ташаббуси билан маҳаллий ҳомийларни жалб қилган ҳолда оилага 3 хонали уй-жой қуриб бериш ишлари бошлб юборилди.

Аслида инсоннинг бахтли ва хотиржам яшаш учун кўп нарса керак эмас. Атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши, озгина эътибор бўлса бас. Қолганига ўзи ҳаракат қилиб эришади. Бугун аҳолига кўрсатилаётган кўмак замирида ҳам турмушда қийналган фуқароларга тирғак бўлиш, йўлини топиб олишида ёрдам бериш масаласи устувор вазифалардан бири саналади. Зеро, халқнинг розилиги мамлакат равнақида муҳим ўрин тутаяди.



Майрам Давлатованинг шароити атрофлича ўрганилиб, кейс менежмент усулини қўллаган ҳолда барча муаммолари босқичма-босқич ҳал этилди.



